

Зино ва фаҳшга йўлиққанларнинг сўзлари ва уларга жавоблар (йигирма тўртинчи мақола)



15:00 / 30.11.2020 4043

Зинога қўл урган талаба:

«Ўқишга чет давлатга кетдим. У ерда ўқишим, ҳаётим бир маромда борар эди. Ўқишдагилар билан ҳам яхши чиқишар эдим. Ҳатто гуруҳимдаги бир қиз билан гаплашганимда у менга бефарқ эмаслигини сезар эдим. Аммо уйланмаганлигим мени тинч қўймас эди.

Бир куни ўша қиз гуруҳдагиларнинг барчасини ўзининг туғилган кунига таклиф қилди. Бордик, ўтирдик, суҳбатлашдик. Озгина спиртли ичимлик ҳам ичдик. Унинг ота-онаси уйда эди, лекин улар уй катта бўлгани учун ҳовлининг бурчагида жойлашган хонада эдилар. Спиртли ичимликданми ёки бошқа нарсаданми озгина ошқозоним безовта қилди. Мен ҳаммомга

кирдим ва бироз вақт ўтгач ўзимга қараб энди чиқаётганимда ўша қиз кириб қолди. У ҳаммомни эшигини қуфлаб туриб «сенга айтадиган гапим бор» деди ва яқин туриб кўзларимга қаради. Мен ҳиссиётларга берилдим, у ҳам. Биз ҳеч нарса бўлмагандай ҳаммомдан чиқдик, аммо зино қилиб бўлган эдик».

Жавоб: Сизнинг зинога қўл уришингиз сабаблари:

Чет давлатга уйланмай кетганингиз, номаҳрам қиз билан шаръий заруратсиз гаплашиб юрганингиз, спиртли ичимлик ичганингиз ва номаҳрам билан ҳоли қолганингиздир. Ушбу сабабларга бошқа қўл урмаслик йўлида матонатли бўлинг! Кўп зинога қўл урганларнинг нозик жойи динни пухта билмасликларидир. Холис тавба қилиб ўз динингиз Исломи яхши билишга, билганингизга амал қилишга бор вужудингиз ила ҳаракат қилинг ва албатта уйланинг! Уйланган билан уйланмаганинг фарқи бор.

Зинога қўл урган мактаб ўқувчиси:

«Ота-онам Исломи инсонлар. Мени ҳам шундай тарбия қилишга ҳаракат қилганлар.

Синфимизда бир йигит билан севишиб юрар эдим. Лекин бу ишга жиддий қарамасдим, шунчаки бир ўйиндек туюларди менга.

Бир куни ўша бола менга онаси касал эканлигини ва уйда унга бироз қарашиб юборишимни илтимос қилди. Уйда касал онаси борлиги мени унинг уйига киришим учун туртки бўлди. Уйда эса ҳеч ким йўқ экан. Мен қандай қилиб зино қилиб қўйганимни билмайман, ёшлиқ қилдим. Бир қанча муддат ўтгач эса ҳомиладор эканлигимни билдим. Яхши оиланинг қизи ҳомиладор бўлиб қолиши улкан бадбахтлик экан...

Жавоб: Ота-онангиз яхши инсонлар экан. Ҳозир фарзандларини динни ўргатиб, ифбатли ва гўзал хулқли қилиб тарбиялайдиган ота-оналар бармоқ билан санайдиган даражада кам бўлиб қолган. Жуда кўп ота-оналарнинг ўзлари тарбияга, динни ўрганишга муҳтож. Сиз эса уларнинг берган тарбияларини ерга урибсиз. Ўзининг синфдоши билан севишиб юришга жиддий қарамаслик катта хатодир. Умуман номаҳрамлар билан муносабат қилишга Исломи жиҳатдан жиддий ёндошмаслик гуноҳ кўчасига албатта олиб киради.

Сиз Аллоҳга астойдил тавба қилинг, қилган хатоларингизга қайтиб қўл урманг!

(Давоми бор)

Афзал Аброр таржимаси